

MILLIY HUKUMAT PALATASI
INV. №

Ҳақсавар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 12 июль, шанба

№58 (11.547)

Эркин нарҳда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГДАНЬСКДА

ГДАНЬСК. 11 июль. (ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Польша Республикаси Бош вазири Лемеш Миллер билан учрашди. Сухбат чоғида Ўзбекистон-Польша ҳамкорлигини ривожлантириш, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди. Томонлар мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солишда Ўзбекистон-Польша Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг фаолиятини жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шундан сўнг Президент



Ислоҳ Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси Польшанинг Гданьск шаҳрига келди. Мамлакатимиз раҳбарини Поморск воеводалиги воеводаси Я.Курилчик кутиб олди. Ўзбекистон Президенти шарафига ҳарбий денгиз кўшинлари аскарларидан иборат фахрий қоровул саф тортди. Ҳарбий оркестр тантанали марш билан ўтди. Ислоҳ Каримов Гданьск шаҳрининг тарихий қисмини томоша қилди.

Шу кунги Гданьск шаҳрида Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияси вакилларининг Польша ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Сухбат чоғида Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, биргаликда дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимизнинг Польшага ташрифи 12 июль кунги ниҳоясига етади.

СУРАТДА: ташриф пайти.

Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА) олган сурат.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган АБН-АМРО банк Олмалик кон-металлургия комбинати очик турдаги акциядорлик жамиятига 35 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредит ажратди. Уч йилга мўлжалланган мазкур маблағ мис ва рух маҳсулотлари экспортини кўпайтиришни молиялаштиришга қаратилган.

Шу муносабат билан АБН-АМРО банк ҳамда Олмалик кон-металлургия комбинати раҳбарияти журналистлар учун матбуот анжумани ўтказди.

Мамлакатимиздаги энг йирик корхоналардан ҳисобланган Олмалик кон-металлургия комбинати йилига 80 минг тонна мис ва 70 минг тонна рух ишлаб чиқаради. Комбинат ўз конлари ҳамда мисни бойитиш ва эритиш заводларига эга.

Комбинатимизда техникани янгилашнинг биринчи босқичи ўтган йили бошланган эди, — дейди унинг бош директори Геннадий Прохоренко. — Ўтган йили "Ўзуйжойжамгармабанк"дан беш миллион АҚШ доллари миқдоридан кредит олинган. АБН-АМРО банк ажратган 35 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредит ҳам мис, рух ва олтин ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда экспортни кўпайтириш учун зарур бўлган янги техника сотиб олишга йўналтирилади.

Қароргоҳи Амстердамда жойлашган ва қарийб 180 йиллик тарихга эга бўлган АБН-АМРО банк Европадаги энг йирик ўн банк сирасига кирди. У кўплаб давлатларда уч мингдан ортиқ бўлимга эга. Уларда 100 мингдан ортиқ юқори малакали ходим фаолият кўрсатади. Шу йил март ойигача бўлган маълумотларга кўра, мазкур банкнинг маблағи 597 миллиард еврони ташкил этган. АБН-АМРО банк ва Олмалик кон-металлургия комбинати ўртасида имзоланган битим мамлакатимиз молиявий ҳаётида катта воқеадир.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Тадбир

Кўйичирчиқ туманида «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан туман санитария-эпидемиология станциясида «Ислоҳ дини маънавият ва маърифат ўстуниси» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

МАРКАЗ ТАШАББУСИ БИЛАН

Мақсад ҳозирги кунда ёшларимиз орасида маънавият ва маърифатни тарғиб қилиш, ёшлар тарбиясига аҳамият бериш ҳамда маҳалларда спорт майдончаларини ташкил қилишга қаратилди.

Йиғилишда туман масжиди имом-хатиби Нуриллоҳон Хожиев, адвокат Фурқат Саидхўжаевлар қатнашиб, юқоридаги муаммолар ҳақида маърузалар қилдилар ҳамда бу каби тадбирларни анъанавий тарзда бошқа жойларда ҳам ўтказилиши фақат наф келтиражаклигини таъкидлаб ўтдилар.

Гўзал СОЛИЖОНОВА.

НАВБАТ ХАЛҚАРО ТАНЛОВГА

Шу йил 8 июлда Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида иогирон болаларнинг халқаро «Мафтункор ранглар дунёси» Марказий Осиё бадий танлови вилоят босқичи бўлиб ўтди.



Ушбу танловда шаҳар, туман босқичлари ғолибларидан элликка яқин болалар иштирок этдилар.

— Вилоятимиздаги истеъдодли ва қобилиятли иогирон болаларнинг ўз иқтидорларини намоён қилишларига имкон яратишда ушбу танловнинг аҳамияти катта, — деди тадбирни очар экан вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотинқизлар кўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова. — Умид қиламизки,

(Давоми 2-бетда).

ДОЛЗАРЬ ДАМЛАР

Оқкўрғон туманидаги «Оқкўрғон» ширкат хўжалигида туманларнинг ҳокимлари, кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, қатор бошқа ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ғалла ўрими йиғимини муваффақиятли яқунлаш ва шу билан бирга гўза парваришида кечиктириб бўлмайдиган вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда вилоят ғаллакорлари бу йил мўл ҳосил етиштирганликлари, айни кунларда далаларда ўрими йиғим кизгин давом этаётганлиги, Чиноз ва

Тошкент туманлари ғаллакорлари вилоятда биринчилардан бўлиб давлатга

(Давоми 2-бетда).

МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ — ЮРТ ОБОДЛИГИ

Мамлакатимиз Президенти томонидан 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши маҳалланинг жамиятимиздаги ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш борасида муҳим кадам бўлди. Энг муҳими, "Обод маҳалла йили" дастури ишлаб чиқилди

ва амалда кенг татбиқ этилмоқда. Мамлакатимиз фуқаролари моддий, маънавий ва ижтимоий ҳаётининг барча томонларини қамраб олган ушбу дастурни амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари фаол иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

2003 йил — Обод маҳалла йили

Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасида ушбу дастурнинг олти ойлик ижросига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси раиси К.Тўлаганов анжуманни очар экан, юртимизда маҳаллаларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимидаги энг муҳим тузилма сифатида тутган ўрни ва ролини янада юксалтиришга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Анжуманда дастурнинг олти ойлик якуни ҳақида "Маҳалла" жамғармаси раиси А.Ғадоибоевнинг ахбороти тингланди. Утган вақт мобайнида юртимиз маҳаллаларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, маҳалла оқсоқоллари, раисларининг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш бўйича кўпгина хайри ишлар амалга оширилди. Бу борада жамғарманинг Республика хотин-қизлар кўмитаси,

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлиги яхши самара бераётир.

МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ — ЮРТ ОБОДЛИГИ

Маҳаллаларда тижорат банкларининг кредит линиялари орқали кичик корхоналар, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, гузарлар қурилиб, янги иш ўринлари барпо этилаётир. Ёш оилаларга кўмаклашиш, кам таъминланган, серфарзанд оилаларни ижтимоий

Тахририятдан: шу куни «Обод маҳалла йили» дастурини ижро этишда фаол иштирок этаётган вилоятимиз вакиллари — Қибрай тумани ҳокими С. Тошхўжаев ҳамда Тошкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси И. Фозилов ҳам фахрий ёрлик ва махсус соврин билан тақдирландилар. Биз уларни чин дилдан табриклаймиз.

муҳофазалаш каби хайри юмушларга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Кекса авлодга ғамхўрлик кўрсатиш янада кучайтирилмоқда.

Ободонлаштириш, хонадонларни табиий газ, ичимлик сув билан таъминлаш ишлари ҳам янада жонланди. Дастурга кўра ўғил-қизларни спортга кенг жалб қилиш, маҳаллаларда турли спорт иншоотлари бунёд этиш, оилавий спорт мусобақалари ташкил этилаётгани диққатга лойиқдир.

Анжуманда "Обод маҳалла йили" дастурининг ижроси юзасидан республика кўригида фаол иштирок этаётган илғор маҳаллалар фаоллари, раислари, ҳокимликлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар вакиллари ҳамма ҳам топширилди.

**Назokat Усмонова,
ЎЗА мухбири.**

НАВБАТ ХАЛҚАРО ТАНЛОВГА

бугунги танлов қатнашчиларга келажак ҳаёт йўллари танлашда муҳим йўналиш беради.

Шундан сўнг 2 соат давомида болалар ўзлари қизиққан мавзу — она-Ватан, Дўстлик, Садоқат, Табиат ҳақида расмлар чиздилар.

Вилоят ташкилот ва бошқармалари раҳбарлари, етук мутахассислардан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати ёш рассомларнинг асарларини чуқур ўрганиб, ҳолис баҳоладилар. Бу бежиз эмас эди. Чунки, бугунги гоиллар 30 июль — 1 август кунлари Юқоричирчиқ туманининг Ийк-ота хўжалигида ўтказиладиган Марказий Осиё ногирон болаларининг «Мафункор ранглар дунёси» VIII Халқаро бадий кўрик-танловида вилоят шарофтини ҳимоя қиладилар.

Шундай қилиб, ҳакамлар ҳайъати якуний ху-

лосасига кўра — Янгийўл шаҳар 6-мактаб ўқувчиси Инара Беглова чизган сурат биринчи ўринга муносиб деб топилди. Қибрай туманидан Бахт Кашенов иккинчи, паркентлик Музафар Йўлдошев учинчи ўринни эгалладилар. Шунингдек, зангиоталик Фаррух Тошмухамедов ва пскентлик Хуршид Асқаров рағбатлан-тирувчи совринларга эга бўлдилар. Энди бу беш нафар вакилларимиз Халқаро танловда иштирок этадилар.

Танлов якунида барча иштирокчиларга ҳомийлар Юқоричирчиқ туман ҳокимлиги, вилоят Халқ таълими бошқармаси, касаба уюшмалари кенгаши, «Экосан», «Соғлом авлод учун», «Болалар», «Наврўз», «Маҳалла» жамғармалари вилоят бўлимларининг совғалари топширилди.

Зулхумор ЖўРАЕВА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ДОЛЗАРБ ДАМЛАР

дон сотиш шартнома режасини бажарганликлари қайд этилди. Бу йил вилоят бўйича 297 минг тонна дон етказиб бериш ниҳоясига етказиладиганлиги кўрсатиб ўтилди. Бу борада олиб бориладиган ишлар, ғалладан бўшаган майдонларни шудгорлаш, такрорий экин экиш ишлари борасидаги аҳвол муҳокама қилинди. Камчиликларни тезда тугатиш чора-тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда кейинги бир ой ичида кўрилган чора ва тадбирлар туфайли ғўза парвариши борасида ижобий натижаларга эришилганлиги, экиннинг ҳолати анча яхшилانганлиги қайд этилди. Шу туфайли бугунги кунга келиб, 110 минг гектар майдонда парваришланаётган экин ривожини яхшиланди, ҳар гектар майдонда ўртача 109 мингтагача тупдан кўчтан борлиги кўрсатилди. Бу миқдор ўтган йилдагига нисбатан гектар ҳисобига олинганда 25 минг тупдан кўпдир. Айни пайтда ғўза парвариши билан боғлиқ камчилик ва нуқсонлар ҳам айтиб ўтилди. Чунки, ҳамма жойда ҳам ғўзанинг ҳолати бир текисда эмас. Унинг ривожини ўтган йилдагига нисбатан 15-20 кун орқада қолмоқда. Шуни ҳисобга олиб, июлнинг қолган кунлари, августнинг биринчи ўн кунлигида ҳар бир хўжаликда ишларни астойдил ташкил этиш зарур бўлади. Долзарб вазифалардан бири ғўзани чилла сувига қондиришдан иборат. Лекин бу ишни мутахассислар алоҳида назоратга олишлари

шарт. Суғоришдан сўнг ер етилиши билан қатор оралари культивация қилиниб, ғўза илдининг ҳаводан баҳра олиб, яйраб ўсишига шароит яратиш зарур.

Бу йил намгарчиликнинг кўп бўлгани жойларда ҳашаротларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Лекин айрим жойларда ҳашаротга қарши курашиш кўнгилдагидек эмас. Зудлик билан бунинг чораларини кўриш керак.

Вақт ганимат. Ҳозирги кунларда мўл ҳосил тақдирини сувчи масъулияти, механизаторнинг маҳорати ҳал қилади. Экин қатор ораларини июль ойи ичида камида икки марта культивация қилиш, 10-15 августга қадар маҳаллий ўғитни шарбат қилиб оқизиш гоия муҳимдир. Ғўза парвариши жараёнида ҳар гектар майдонга камида 2-3 тоннадан маҳаллий ўғит солиниши керак. Ғўза 13-14 ҳосил шохи чиқарганидан сўнг чеканкани кечиктирмай бошлаш талаб этилади. Бу ишни сифатли ўтказиш кўсакларнинг бўлиқ етилиши ва эрта пишишини таъминлайди.

Йиғилишда ғўза қатор ораларига ишлов беришни кучайтириш билан бирга республика ҳукуматининг вилоят хўжаликлари янги культиватор, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашдаги амалий ёрдами албатта, ижобий самара бериши таъкидланди.

Йиғилишда вилоят ҳокими У. Мирзақулов сўзга чиқди.

**Носир РИҲСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ПУДРАТЧИНИНГ НИЯТИ КАТТА

Одати бўйича пудратчи деҳқон Толиб Салимов бугун ҳам барвақт туриб, помидор пайкаларини айлана бошлади. У ўзича қувонар эди: «Маҳаллий ўғитни шарбат қилиб оқизганимиз зап иш бўлдида. Мана натижаси. Помидор ҳосили бирин-кетин ранг ола бошлади. Ишни шу залда давом эттирсак, албатта, ҳар гектаридан камида 30-35 тонна ҳосил йиғиштириб оламиз».

Тошкент туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги деҳқонлари кейинги йилларда помидор етиштиришга ихтисослашиб, бу соҳада катта тажриба орттирдилар. Толиб ака ана шу тажриба-корларнинг сардори. У бир ярим гектар ерга сараланган помидор кўчати экди. Уни оби-тобида парвариш қилмоқда. Сувга, ўғитга тўйдирапти. Ҳашаротга олдирмаётир, ўт босишига йўл қўймаётир. Натижа самарали бўлапти.

Бундай деҳқонлар хўжаликда кўп. Меҳнат фахрийси Ғанижон ота Валижонов ҳақида ҳам ҳар қанча илиқ гапларни айтсак бўлади. Узоқ йиллар хўжаликка раҳбарлик қилган ота нафақага чиққанидан кейин ҳам тиниб-тинчиб ўтирмади. Ўзини далага, меҳнат кучоғига урди. Ёнига ёш деҳқонларни олиб, уларга сабзавотдан юқори ҳосил олиш сирларини ўргатиб келмоқда.

Феруза БАҲРОМОВА.



Ижтимоий муҳофаза

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

«Саноатқалинкоғозсавдо» акциядорлик жамияти бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида барқарор ишлаётган корхоналарнинг бири ҳисобланади. Унинг кўп кишилиқ жамоаси жорий йилда ҳам бир маромда ишлаб, режаларни мунтазам бажармоқда. Қўриладиган фойда ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Унинг муайян қисми ишчи-хизматчилар ва улар оилаларини ижтимоий муҳофаза қилишга сарфланяпти. Бу йил шу мақсадда кўпглаб маблағлар ажратилди ва қатор амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Чунончи, корхонада узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган, ҳозир ҳам

жамоа сафини тарқ этмаган фахрийлар, қалинқозчиларнинг ёш фарзандлари ҳақидаги ғамхўрлик кўлами кенгайиб

бормоқда. Йил бошидан бери 300 нафардан ортиқ фахрийлар корхонанинг соғломлаштириш маскани, санаторий ва дам олиш, ишчиларнинг 100 нафардан ошиқ фарзандлари эса болалар оромгоҳлари қўйнида бўлдилар. Хотин-қиз ишчи-хизматчиларга тиббий хизмат кўрсатиш янада яхшиланди. Қалинқозчилар учун ҳар куни тушлик таом бепул берилляпти. Иккита автобус жамоа аъзоларини ишга олиб бориш ва

ишдан қайтишига хизмат кўрсатапти.

Жамиятнинг кенг ҳудуди дарахзорларни эслатади. Бу йил ҳам уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан катта ишлар қилинди. Юзлаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Илгари чиқиндилар ташлаб қўйиладиган жойлар тозаланиб, улар ўрнида гулзорлар барпо этиляпти. Улар рангоранг очилиб, атрофга хушбўй хид таратмоқда. Бу кайфиятингизни яхшилайти. Бундай қулай шароит ва имкониятлар ишчи-хизматчиларнинг меҳнатга бўлган иштиёқини кучайтиряпти, албатта.

**Теша ШЕРАЛИЕВ,
жамоатчи мухбир.**

Кичик ва ўрта бизнес — иқтисодиётимиз келажаги

Бугун энг муҳим ҳал қилувчи масала — кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, уларга кенг имкониятлар ва имтиёзлар яратиб беришдир.

«RONO» НУФУЗИ ОРТМОҚДА

Фирмамиз тўқувчилик билан шўғулланади. У Ангрен шаҳар фуқаролари ва меҳнат жамоаларига хизмат кўрсата бошлаганига ҳам беш йилдан ошди.

Ёш чеварларимиз кўлидан чиққан бежирим кийим-кечакларга буюртмалар ортган сари ишимиз ҳажми ҳам кенгаймоқда. Ишда сифатга алоҳида эътибор бериш, буюртмачиларнинг истакларини доим инобатга олиш, уларга кийимлар тиктиришда ўзларига мос бичимларни танлашда кўмаклашиш меҳнат шиоримиз бўлиб қолганлиги натижасидир, бу.

Фирмамиз қошида газмоллар дўконини очиш айна мудида бўлди. Буюртмачилар ўзларига зарур кийим-кечакларни тиктириш

учун бу ерда қўйилган турфа жун, ип, ипак газламалардан бемалол танлаш имкониятига эга бўлдилар.

Бундан ташқари, саноат корхоналари билан махсус кийим-кечаклар тиқиб бериш учун шартномалар тузганмиз. Олмалик кон-металлургия комбинати, олтин қазиб чиқариш корхонаси буюртмаларини бажариб бораёпмиз.

Жорий йилнинг биринчи ярмини самарали якунладик. Фақат олган соф фойдамиз жами 3 миллион сўмни ташкил этди. Ўртача иш ҳақи ҳам ортиб, 50 минг сўмга яқинлашиб қолди. Чеварлик аёлларга жуда асқотадиган касб, барча қизларимиз уни ўрганиб кам бўлмаяптилар.

Робинисо МАЮСУПОВА,
Ангрендаги «RONO» хусусий фирмаси раҳбари.

«Ўзбекистон» фермер хўжалиги Бўка туманида саноатни қишлоққа олиб кирган хўжаликларнинг бири. Бу ерда етиштириладиган маҳсулотларни қайта ишловчи тармок ҳам барпо этилган. Шу жиҳатдан у Бўка туманидаги бошқа кўпчилик тўрдош хўжаликлардан ажралиб туради.

ФЕРМЕРНИНГ ЎЗ ЗАВОДИ БОР

Ферма хўжалигининг 150 гектардан ортик майдонда турли-туман маҳсулотлар етиштирилади. Уларнинг муайян қисми қайта ишланмоқда. Бунинг учун замонавий консерва заводи барпо этилди. Уни қуриш ва ишга тушириш учун фирма раҳбари Отабой Тўлабоев «Савдогарбанк»нинг туман бўлимидан 15 миллион сўм кредит олди. Қатор асбоб-ускуналар чет эллардан олиб келинди ва қисқа муддатда ўрнатилди. Бу ерда турли-туман консервалар ва асосан томат пастаси тайёрланмоқда. Унинг бир қисми хорижга ҳам юборилапти. Жумладан, Россия Федерацияси доимий мижоз бўлиб қолди. Бу мамлакатдаги буюртмачиларга ҳар йили 100 тонналаб ҳажмдаги шундай маҳсулотлар етказиб берилапти. Шундай қилиб фермада ишловчилар сони 20 кишига ортди.

Фермер хўжалиги ҳар йили миллион сўмлаб фойда кўрмоқда. Уни аксарият қисми ишлаб чиқаришни ривожлантириш қатори саховат тадбирларига ҳам сарфланмоқда. Хўжалик тумандаги барча хайрия ишларида фаол қатнашиб келади. Айниқса, «Меҳрибонлик» уйига ҳомийликни яхши йўлга қўйган. Самарали ишлаётган фермер хўжалиги туман бўйича уюштирилаётган «Ташаббус» кўрик-танловларида муваффақиятли қатнашмоқда. Чунончи, «Ташаббус — 2003»да туман фермер хўжаликлари ўртасида голибликни қўлга киритди.

Ақбар АЛЛАМУРОДОВ.

БУ СУТ МАЗАЛИРОҚ

Фазалкент сўт комбинати бир вақтлар озиқ-овқат саноати тармоғининг етакчи корхоналаридан бири эди. Бу ерда қайта тайёрланган сўт ва сўт маҳсулотлари ўзининг сифатлилиги, серкаймоқлиги билан ажралиб турарди. Уларнинг яна бир афзаллиги бор эди: дармондориларга ҳам бой бўларди. Чунки, корхонага сўтни асосан Бўстонликдаги жамоа хўжаликлари етказиб берарди.

Уларга қарашли қора моллар воҳанинг дармондориларга бой ўт-ўланлари ва улардан тайёрланган ем-хашаклар билан боқиларди. Шифобахш бундай моддалар сўт таркибида ҳам нисбатан кўп бўларди. Шунинг учун ҳам комбинатда тайёрланган маҳсулотлар парҳезбон ҳисобланар ҳамда асосан сихатгоҳларга, болалар боччаларига, мактабларга ва бошқа шу каби муассасаларга етказиб бериларди.

Лекин, корхона маъмурияти бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ишлашга аввалдан пухта ҳозирлик кўрмади. Хом ашё етказиб берувчилар ва буюртмачилар ўртасидаги ҳамкорлик бузилди. Оқибатда жамоа фаолияти вақт ўтиши билан муттасил сусая борди ва бора-бора тўхтаб ҳам қолди. Кейинги уч йил давомида эса деярли иш бўлмади. Бироқ, уни шундай ташлаб қўйиш мумкин эмасди. Буни тадбиркор Мирфаёз Мирсоатов пайқайди ва корхонани тиклашга бел боғлади. Унинг бундай хайрли савий-ҳаракатларини юқори идоралар ҳам қўллаб-қувватлашди. Маҳаллий ҳомий ҳам топилди. «Транскон-



тинентал» кўшма корхонаси раҳбарияти ёрдам қўлини чўзди. Бу билан муаммо тўла ҳал бўлмади. Чунки, корхонадаги мавжуд асбоб-ускуналар эскирган, айримлари эса яроқсиз ҳолга келганди. Шунинг учун уларни янгилаш, илғор технологияларни жорий қилиш керак эди. Ушбу муаммони хориждан шерик топиш йўли билангина ечиш мумкин эди. Анча изланишдан кейин АҚШдан ҳамкорлик қилувчи фирма топилди. Шундан кейин иш юришиб кетди. Корхонанинг Низом жамғармаси бир миллион АҚШ доллари ҳажмида белгиланди. Бу сармовия билан чет эллардан замонавий асбоб-ускуналарни сотиб олиш имкони туғилди. Аксарият асбоб-ускуналар Россия, Беларус ва Германиядан келтирилди. Қадокловчи машина-механизмларни эса Финляндия етказиб берди. Қуни кеча янги корхона ишга тушиб, ўзининг дастлабки маҳсулотларини харидорлар ҳукмига ҳавола қилди. Улар мижозларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди. Эндиликда буюртмачилар тобо-



ра кўпайиб борапти. Шунга қараб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам ортмоқда. Ҳозирги вақтда қунига икки тонна ва ундан ҳам ошириб сўт, кефир, қаймоқ, пишлоқ ва бошқа парҳез маҳсулотлари тайёрланапти.

— Ҳозир сўт хом ашёсини ширкатлар ва фермер хўжаликлари билан олиб турибмиз, — дейди Ўзбекистон — АҚШ кўшма корхонаси бош директори М. Мирсоатов. — Яқинда уни аҳоли-

на жамоаси истиқболга ишонч билан қарамоқда.

Собир МАХМУДОВ.

СУРАТЛАРДА: оператор Элмира Қурбонова (чапда) ва уста Умида Ризаева маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар; оператор Мурод Сайдалиев иш устида.

Даврон АХМАД олган суратлар.

«Нур Фарруҳ» аслида фермер хўжалиги ҳисобланади. Қибрай туманида бундан саккиз йил илгари барпо этилган бу тадбиркорлик тузилмаси жамоаси ўз фаолияти бошланишидаги муайян кийинчиликларни қисқа муддатларда енгиб, ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил кенгайтириб бормоқда. Бор йўғи уч нафар ходим билан иш бошлаган жамоа аъзолари сафи эндиликда 22 кишига етди. Икки ярим гектар ер олиб фермер хўжалиги ташкил этган Фахриддин Нуримовнинг тинмай олиб борган савий-ҳаракатлари бесамар кетмади. Чорвачиликдан кейин қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам барпо этила бошланди. Чунончи, боғдорчилик ва деҳқончиликка асос солинди. Шундай қилиб, жорий йил бошларига келиб, экин майдонлари йигирма гектарга етди. Олмасорлар икки ярим гектаргача кенгайтирилди. Дастлаб фақат уч бош қора мол бор эди. Ҳозирга келиб, уларнинг сони элликтдан ошди. Шунга яраша чорвачилик маҳсулотларини етиштириш кескин кўпайди. Лекин, буларнинг ҳаммаси ҳам фермер хўжалиги жамоасининг фаолиятини тўла тавсиф-

ламайди. Унинг ўзига хос яна бир йўналиши бор. Бу ерда саноат тармоғи ҳам ишлаб, катта даромад манбаига айланмоқда. У ҳам бўлса сувли бўёқ ишлаб чиқариш цехидир. Қурилишда пардоз

нокорлик ашёсидан 20 тоннадан ортик ҳажмда тайёрланди ва уларнинг ҳаммаси сотилиб кетди. Бу фермер хўжалиги жамоасига чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик маҳсулотлари қатори катта да-

ларини яхшилаш, ижтимоий ҳимоя қилишни кенгайтиришга сарфланапти. Турли хил хайр-эҳсон тадбирларида фаол қатнашиш имконини бермоқда. Хусусан, қатор мактабларни таъмирлаш учун икки ярим миллион сўмга яқин ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Фермер хўжалиги жамоаси ва унинг соҳиби Фахриддин Нуримовнинг йил сайин самарали олиб бораётган бундай фаолияти муносиб баҳоланапти. «Ташаббус-2003» кўрик-танловларида у муваффақиятли қатнашди. Чунончи, Қибрай туманида шундай шиор остида ўтказилган беллашувда фермер хўжаликлари йўналиши бўйича голиб чиқди. Вилоят бўйича эса учинчи ўринни эгаллади. Бундан руҳланган жамоа ва унинг раҳбари хўжалик фаолиятининг барча йўналишлари бўйича изланишларни давом эттирмоқда. Бу, албатта, меҳнатда янги галабаларни қўлга киритиш, бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб, қаторбатларга тўла шароитларида ҳам ишлаб чиқаришнинг барқарор бо-ришини таъминлайди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

«НУР ФАРРУҲ» ОДИМЛАРИ

Унда деҳқончилик билан саноат уйғун ривожланмоқда

ишларини олиб бориш учун кўп керак бўладиган бундай бўёқларнинг уч-тўрт тури буюртмачиларга етказиб берилмоқда, улар савдо шахобчаларида кенг истеъмол маҳсулоти сифатида харидорларга сотилмоқда.

Биргина ўтган йили бу қимматли би-

ромат келтирди. Товар айланмаси ҳажми биринчи марта 208 миллион 387 минг сўмни ташкил этди. Қўрилган соф фойда миқдори 73 миллион сўм бўлди. Бу маблағнинг аксарият қисми фермер хўжалигининг моддий-техника негизини мустаҳкамлашга, аъзоларнинг турмуш шароит-

Dushanba 14

«Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабинлар диктати! Профилатика муносабати билан, 14 июль кун «Ўзбекистон» телеканал кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Тахлилнома».

15.45 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».

16.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди».

16.25 ТВ анонс.

16.30 «Камила».

Телесериал.

Ёзги таътил кунларида.

«Болалар сайёраси»:

17.00 1. «Болалар ва

катталар».

2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.

18.00 Янгиликлар.

18.10 «Ўзбектефильм» намоиши: Ўзбек спортчилари: «Жаҳон узра ўзбек байроғи».

18.30 «Қалб гавҳари».

18.50 Бир жуфт кўшиқ.

19.05 «Мулқдор».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».

21.25 ТВ клип.

21.35 «Эл саломатлиги йўлида».

21.45 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.

22.15 «Долзарб мавзу».

22.35 Болалар спорти: «Махалламиз стадиони».

22.50 «Япония турмуш тарзи». Хужжатли телесериал премьераси.

23.10 «Ахборот-дайжест».

23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

16.55 Кўрсатувлар дастури.

17.00 «Давр» ҳафта ичида.

17.30 ТВ - анонс.

17.35 «Янги авлод» почтаси.

17.50 Олов билан юзма-юз.

18.05 Белида белбоғи борлар.

18.25 Минг бир маслаҳат.

18.45 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ - анонс.

19.40 «Меҳр кўзда».

Мақтубларга шарҳ.

20.00 Мусиқий лаҳзалар.

20.15 Ёшлар овози.

20.35 Сув - ҳаёт манбаи.

20.40, 21.25, 22.35 Ёшлар.

20.45 «Гвадалупе».

Телесериал.

21.30 Кишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.

22.45 «Ёшлар» телека-

налида спорт дастури: Интерфутбол.

0.25-0.30 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал.

«Живз ва Вустер».

18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 «Спорт ва болалар».

18.30, 20.00, 21.20, 22.25 «Пойтахт».

Ахборот дастури.

18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».

19.15 ТТВда сериал.

«Айрилик азоби».

20.25 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

21.00 ТТВда сериал.

«Қайсар ва довораклар».

21.40 «Моҳир».

21.50 «Хусусийлашти-

риш: қадам бақадам».

22.10 «Auto-news».

22.50 Кинонигоҳ.

«Карнавал» 1-қисм.

00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 - 8.00.

16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05 «Вести».

16.20 «Ажралмаслар».

Сериал.

17.00 Велопойга «Тур де Франс».

17.05 «Евроныйос» янгиликлари.

17.30 Хужжатли фильм.

18.00 «Мени куттил».

19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».

Сериал.

20.00 «Время».

20.35 «Бизнес ревью».

20.40 «Спорт масканла-

рида».

20.55 «Кулгу хонаси».

21.40 «Қалбим чечаги». Сериал.

22.30 Кинематограф. «Кичик сузувчи».

Бадий фильм.

24.00 «Ахборот».

00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

16.55 гача профилатика ишлари.

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Маърифий дастур».

17.30, 20.45 «Телехамкор».

18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Каламушлар ёки тунги мафия».

19.30 «Ошиқона» мусиқий дастури.

19.45 «Бош роллар».

Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабринома.

21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Эйс Вентура».

23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba 15

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Камалак».

Болалар учун кинодастур.

9.45 Мумтоз наволар.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Долзарб мавзу».

10.25 Тирик сайёра.

«Ноилож сайёдлар».

11.15 «Аср муаммоси».

11.40 «Жиз-биз».

Хажвий кўрсатув.

12.05 «Кўпчилик қаторида».

12.25, 15.55 ТВ анонс.

12.30 «Дала ўртасидаги дарахт». Видеofilm.

13.30 «Муносабат».

14.10 Кундузги сеанс: «Ҳаёт учун хавфли».

Бадий фильм.

15.35 «Кўшигимиз Сизга армуғон».

16.00 «Камила». Телесериал.

Ёзги таътил кунларида.

«Болалар сайёраси»:

16.30 «Покахонтас».

Мультсериал.

16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».

18.10 «КиноТеатр».

18.30 Репортаж.

18.35 Бир жуфт кўшиқ.

18.45 «Олтин бешик».

19.10 «Тафсилот».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Истеъмолчи».

21.25 ТВ клип.

21.35 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила».

22.05 Болалар спорти: «Кизлар қайси спорт тури билан шугуллангани маъқул?»

22.25 «Ўлик сукунат». Бадий фильм.

24.00 «Ахборот-дайжест».

00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 Тонгги сериал: «Доктор Финли» 9 - қисм.

10.05 ТВ - анонс.

10.10 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, «Куралай» болалар ансамбли, Мультфильм.

11.00 Минг бир маслаҳат.

11.20 «Гвадалупе».

Телесериал.

12.00 Ёшлар овози.

12.20 «Най» («Ўзбектефильм»)

12.35 Белида белбоғи борлар.

12.55 ТВ - анонс.

13.00 Давр.

13.10 Ёзги таътил экран: «Самовий саргузаштлар» 21-қисм.

13.35 Интерфутбол.

15.15 Кишлоқдаги тенгдошим.

15.35 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.

16.00 ТВ - анонс.

16.05 «Ёз ҳикоялари». Бадий фильм.

17.25 Кўрсатувлар дастури.

17.30 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.

17.50 ТВ - анонс.

17.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.

18.10 Ёшлар овози.

18.30 Автопатрул.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 «Давр» интервью.

19.50 ТВ - анонс.

19.55 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Антика томоша».

Хужжатли фильм 8-қисм.

20.20 Мусиқий лаҳзалар.

20.35, 21.20, 22.35

Ёшлар.

20.40 «Гвадалупе».

Телесериал.

21.25 Марди майдон.

21.45 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.

22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури:

1.Нокаут, 2.Теннис.

23.50 -23.55 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал.

«Живз ва Вустер».

18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 «Болажонлар экран».

18.30, 20.00, 21.20, 22.20 «Пойтахт».

Ахборот дастури.

18.50 «Ҳимоя».

19.15 ТТВда сериал.

«Айрилик азоби».

20.25 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

21.00 ТТВда сериал.

«Қайсар ва довораклар».

21.40 «Хамшаҳарлар».

22.05 «Умр ғанимат».

22.45 Кинонигоҳ.

«Карнавал» 2-қисм.

00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 - 8.00.

16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05 «Вести-спорт».

16.20 «Ажралмаслар».

Сериал.

17.00 Велопойга «Тур де Франс».

17.05 «Евроныйос» янгиликлари.

17.20 «Ҳинд оханглари».

17.35 «Ҳикоя».

17.55 «Саҳна ортида».

Сериал.

19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».

Сериал.

20.00 «Время».

20.35 «Бизнес ревью».

20.40 «Х-спорт».

20.55 «Хроника».

21.05 «Қалбим чечаги».

Сериал.

21.55 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз

тилида)

22.05 Кинематограф. «Мақора». Бадий фильм.

23.40 «Ахборот».

00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».

9.30, 14.10 Болалар соати.

10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар».

Сериал. 10.40 «Маърифий дастур».

11.10 «Тез ёрдам».

Сериал. 12.00 «Эйс Вентура».

Комедия. 13.30 «У қотилликни баён этди».

Телешоу. 16.00 «30-да спорт».

16.50 «Хужжатли сериал».

18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Туз-зоқ».

19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур.

19.45 «Бош роллар».

Сериал. 21.05 «Клип-совга».

Телетабринома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Бир кўзлик қирол».

23.15 «Рестлинг титанлари».

Chorshanba 16

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Ўзбектефильм» намоиши: «Келажакка интилиб».

9.20 «Шарқ тароналари».

9.40 «Рангин дунё».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Эл саломатлиги йўлида».

10.15 Тирик сайёра.

«Ноилож сайёдлар».

11.05 «Олтин бешик».

11.30 Болалар спорти: «Кизлар қайси спорт тури билан шугуллангани маъқул?»

11.50 ТВ клип.

12.05 «Карлсоннинг қайтиши». Мультфильм.

12.25 «Кувноқлар ва зукколар». Телемусобақа.

13.35 «Истеъмолчи».

13.55, 15.25 ТВ анонс.

14.10 Кундузги сеанс: «Қонли тош». Бадий фильм.

15.30 А. Қодирий номидаги Маданият институти «Ниҳол» хор жамоасининг концерти.

15.55 «Ягона оилада».

16.25 «Камила». Телесериал.

Ёзги таътил кунларида.

«Болалар сайёраси»:

16.55 1. «Яшил чироқ».

Телемусобақа.

2. «Ёш юлдузлар».

18.10 «Дунёқараш».

18.25 «Аждодлар мероси».

19.05 «Қалқон».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 «Юзма-юз».

20.30 «Ахборот».

21.05 «Дўстлик ришталари».

21.30 «Ўзбекистон» телеканалда илк

маротаба: «Камила». Телесериал.

22.00 Болалар спорти: «Бир умр ҳамроҳи».

22.20 «Кизлар давраси».

23.50 «Ахборот-дайжест».

00.10.00.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 Тонгги сериал: «Доктор Финли» 10 - қисм.

10.05 «Давр» - интервью.

10.20 ТВ - анонс.

10.25 Солиқ ҳақида сабоқлар.

10.40 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.

11.00 Тараққиёт уфқлари.

11.20 «Гвадалупе».

Телесериал.

12.00 Ёшлар овози.

12.20 «Меҳр кўзда».

Мақтубларга шарҳ.

12.40 «Шарқ таронала-

ри» фестивали оханглари.

12.55 ТВ - анонс.

13.00 Давр.

22.20 «Эзги таътил экран: «Самовий саргузаштлар» 22 - қисм.

13.35 Бахтли болалик кўшиқлари.

13.50 Ёшлар телеканалда спорт дастури: 1 Нокаут, 2 Теннис.

14.55 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.

15.20 Автопатрул.

15.40 «Замонавий аёл». Бадий фильм.

17.00 ТВ - анонс.

17.05 Кўрсатувлар дастури.

17.10 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Кичкинтой театри.

17.40 Болажон.

17.55 Кафолат.

18.15 ТВ - анонс.

18.20 Кўнгли покнинг уйи обод.

18.40 Каталог.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 Лабиринт.

20.00 Спорт-лото.

20.10 Мусиқий лаҳзалар.

20.20 Ёшлар овози.

20.40, 21.25, 22.35 Ёшлар.

20.45 «Гвадалупе».

Телесериал.

21.30 Чемпион сирлари.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.

22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.

0.25 - 0.30 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал.

«Живз ва Вустер».

18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 «Болажонлар экран».

18.30, 20.00, 21.20, 22.50 «Пойтахт».

Ахборот дастури.

18.50 «Мусиқий меҳмонхона».

19.15 ТТВда сериал.

«Айрилик азоби».

20.25 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

21.00 ТТВда сериал.

«Қайсар ва довораклар».

21.40 «Дорихона эшитида». Бевосита мулоқот.

22.30 «Аёл, она мураббий раҳбар» телеклуби.

23.15 Кинонигоҳ.

«Наҳорнинг илк шуъласи».

00.45-00.50 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 - 8.00.

16.00 Кўрсатувлар тартиби.

оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - интер-
вью.
19.50 Мусикий лаҳза-
лар.
20.00 «Антика томоша».
Хужжатли фильм 9-
қисм.
20.25 Мезон.
20.45, 21.30, 22.35
Эълонлар.
20.50 «Гвадалупе».
Телесериал.
21.35 Болалар спорти:

аҳвол қандай?
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва
тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телека-
налида спорт дастури:
Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.
«Тошкент»
телеканал
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Живз ва Вустер».
18.05, 20.55 «Экспресс»

телегазетаси.
18.10 «Навнихол».
18.30, 20.00, 21.20,
22.40 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Бурч ва маъсу-
лият».
19.05 «Ўзбектеlevision»
студияси намойиш.
этади: «Фавворалар».
19.15 ТТВда сериал.
«Айрилик азоби».
20.25 «Табриклиймиз-
кутлаймиз».
21.00 ТТВда сериал.
«Қайсар ва доворак-
лар».

21.40 «Умр йўлдоши».
22.10 «Мушоҳада».
23.05 Кинонигоҳ.
«Салом, мен Сизнинг
холангизман»
00.45.00.50 Хайрли тун
шаҳрим!
«Халқаро»
телеканал
БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30
- 8.00.
16.00 Кўрсатувлар
тартиби.
16.05 «Вести-спорт».
16.20 «Ажралмаслар».
Сериал.

17.00 Велопойга «Тур
де франс».
17.05 «Евроњоњ»
янгиликлари.
17.25 «Мультисеанс».
17.55 «Саҳна ортида».
Сериал.
19.00 «Ишонч ва
муҳаббат замини».
Сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Бизнес ревью».
20.40 «Арт-каталог».
21.00 «Юқори техноло-
гия олами».
21.10 «FCN Ўзбекистон

янгиликлари» (инглиз
тилида)
21.20 Кинематограф.
«Фирибгарлар».
Бадий фильм.
23.20 «Ахборот».
23.55 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.30, 20.45
«Телехамкор». 9.30, 14.10
Болалар соати. 10.15 «Па-
уэр Рейнжерс ёки кучли
рейнжерлар» Сери-
ал. 10.40, 16.00 «30-да
спорт». 11.10 «Тез ёрдам».

Сериал. 12.00 «Яшил
миля». Фильм. 13.30 «У
қотилликни баён этди».
Телесериал. 15.00 Теле-
шоу. 16.50 «Хужжатли
сериал». 18.00 «30-ка-
нал» кинооқшоми:
«Лифдан чағга». 19.30
«Ошиқона». Мусикий
дастур. 19.45 «Бош рол-
лар». Сериал. 21.05
«Клип-совга». Телетаб-
риқнома. 21.20 «Хайрли
тун, кичкинтой-
лар!». 21.30 «30-канал»
кинооқшоми. «Яшил
миля». 2-қисм. 23.15
Спорт дастури.

JUMA
«Ўзбекистон»
телеканал
6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сехрли
харфлар оролчаси».
2. «Таътилдаги болалар».
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгиликлар.
10.05 Тирик сайёра.
«Кушлар ҳақида
ҳақиқат».
10.55, 13.05 ТВ анонс.
11.00 «Иктидор».
Интеллектуал ўйин.
11.30 «Бир жиноят
изидан».
11.50, 13.50 ТВ клип.
12.05 «Кориолан».
Спектакль. 2-қисм.
13.10 Болалар спорти:
«Спорт иншоотлари-
дан самарали
фойдаланилarmi?»

13.30 «Бир кулишайлик».
14.10 Телемулоқот.
14.50 Кундузги сеанс:
«Қиз Жибек». Бадий
фильм. 2-қисм.
16.00 «Депутат».
16.15 «Камила». Телесе-
риал.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
16.45 1. «Цирк, цирк,
цирк».
2. «Уйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
17.45 «Нурли манзил-
лар».
18.10 «Бугдойзордаги
уйча». Мультфильм.
18.15 «Ўзингни, ўз
уйингни ўзинг асра!»
18.30 «Олтин бешик».
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».

21.35 «Ўзбекистон»
телеканалда илк
маротаба: «Камила».
Телесериал.
22.05 Болалар спорти:
«Маҳалламиз стадио-
ни».
22.20 «Оталар сўзи -
аклининг кўзи».
23.20 «Ахборот-дай-
жест».
23.40-23.45 Ватан
тимсоллари.
«Ёшлар»
телеканал
6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам
олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонги сериал
«Доктор Финли» 12 -
қисм.
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 «Янги авлод»
студияси: Бешбармоқ.
10.45 Болалар шеърля-
ти.
10.55 «Саёҳатчи қур-
бақа». Мультфильм.
11.15 ТВ - анонс.
11.20 «Гвадалупе».
Телесериал.

12.00 Ёшлар овози.
12.20 Мезон.
12.40 Ёз - ўтмоқда соз.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил
экрани: «Самовий
саргузаштлар» 25-
қисм.
13.35 Интерфутбол.
15.15 Ракурс.
15.35 «Уч плюс икки».
Бадий фильм.
17.00 ТВ-анонс.
17.05 Кўрсатувлар
дастури.
17.10 «Янги авлод»
студияси: У ким?, Бу
нима?, Келинг,
танишайлик.
17.45 Аскар мактублари.
18.05 Кишлоқдаги
тенгдошим.
18.25 Ёшлар ва ҳуқуқ.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 ТВ - анонс.
20.00 «Coscom» хабар-
лари.
20.05 Мусикий лаҳза-
лар.
20.15 Ёшлар камоли -
юрт камоли.
20.35, 21.20, 22.35

Эълонлар.
20.40 «Гвадалупе».
Телесериал.
21.25 Азизим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс ва
тунги тароналар.
22.55 «Ёшлар» телекана-
лида спорт дастури:
1. Ринг қироллари,
2. Футбол плюс.
0.15 - 0.20 Хайрли тун.
«Тошкент»
телеканал
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Живз ва Вустер».
18.05, 20.55 «Экспресс»
телегазетаси.
18.10 «Хайрли оқшом».
18.30, 20.00, 21.20,
22.15 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.50 «Билим» телеклу-
би.
19.15 ТТВда сериал.
«Айрилик азоби».
20.25 «Табриклиймиз-
кутлаймиз».
21.00 ТТВда сериал
«Қайсар ва доворак-
лар».

21.40 «Эл хизматида».
21.55 «Инсон ва қонун».
22.40 Кинонигоҳ
«Уйланишни истамай-
ман».
00.10.0015 Хайрли тун,
шаҳрим.
«Халқаро»
телеканал
БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30
- 8.00.
16.00 Кўрсатувлар
тартиби.
16.05 «Вести-спорт».
16.20 «Олам бўйлаб».
17.05 Велопойга «Тур
де франс».
17.10 «Евроњоњ»
янгиликлари.
17.25 «Инсон ва қонун».
17.55 «Саҳна ортида».
Сериал (Сўнги қисм)
18.55 «Муъжизалар
майдони».
20.00 «Время».
20.35 Л. Лещенко, О.
Газманов, «Любэ» ва
бошқалар. «Севимли
кўшиқлар» гала-
концертида.
22.00 «Бизнес-ревью».
22.05 «Дурдаршан».
22.30 «Хит парад».
23.00 «Яшаш воситаси».

23.15 «Стиль».
23.30 «Ахборот».
00.05 «Қалбим чеча-
ги». Сериал.
00.55 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.30, 20.45
«Телехамкор». 9.30, 14.10
Болалар соати. 10.15
«Пауэр Рейнжерс ёки
кучли рейнжерлар» Сери-
ал. 10.40 «Маърифий дас-
тур». 11.10 «Тез ёрдам».
Сериал. 12.00 «Яшил
миля». Фильм. 2-
қисм. 13.30 «У қотиллик-
ни баён этди». Телесе-
риал. 15.00 Теле-
шоу. 16.00 «30» да
спорт. 16.50 «Хужжатли
сериал». 18.00 «30-
канал»да ринг қиролла-
ри. 18.50 Юмор дасту-
ри. 19.30 «Ошиқона». Му-
сикий дастур. 19.45 «Бош
роллер». Сериал. 21.05
«Клип-совга». Телетаб-
риқнома. 21.20 «Хайрли
тун, кичкинтойлар!». 21.30
«30-канал» кинооқшоми.
«Чаққонлар ва ғазаблан-
ганлар». 23.15 Спорт дас-
тури.

Shanba
«Ўзбекистон»
телеканал
6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Цирк, цирк,
цирк».
2. «Уйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
10.00 «Хидоят сари».
10.20 «Бу турфа олам».
11.10, 17.05 ТВ клип.
11.20 «Маърифат».
Телеальманах.
11.40 «Спирит-Симорон
айгири». Мультфильм.
12.55 Болалар спорти:
«Маҳалламиз стадио-
ни».
13.10 «Оз ҳам эмас,
кўп ҳам эмас».
Бадий фильм. 1-2-
қисмлар.
14.40 ТВ анонс.
14.45 «Куйла, ёшли-
гим».

15.05 «Оз ҳам эмас, кўп
ҳам эмас». Бадий
фильм. 3-4-қисмлар.
16.35 «Ягона оилада».
17.15 «Адабий жараён».
17.35 «Чорраҳа».
17.55 «Мусиқа ва
театр».
18.25 «Рангин дунё».
18.45 «Интеллектуал
ринг». Телеўйин.
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 «Оқшом эртақла-
ри».
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз
тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Обод уйда пок
одамлар яшайди».
21.25 «Гап чиқди».
Телешоу.
22.10 Телевизион
миниатюралар театри.
22.35 «Ахборот-дай-
жест».
«Тунги ёғду»:
22.55 «Ўзбекистон»
телеканалда илк

маротаба: «Амадей».
Бадий фильм. 1-қисм.
00.10-00.15 Ватан
тимсоллари.
«Ёшлар»
телеканал
6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам
олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.35 «Янги авлод»
студияси: У ким?, Бу
нима?, Келинг,
танишайлик.
10.10 Болалар спорти:
аҳвол қандай?
10.25 Табобат оламида.
10.50 «Гвадалупе».
Телесериал.
11.30 Ўзбекистон давлат
консерваторияси
талабалари куйлайди.
11.45 Ринг қироллари.
12.35 Кутилмаган
мехмон.
12.55 Ёзги таътил
экрани: «Самовий
саргузаштлар» 26-қисм
(якунловчи)
13.20 Бола тилидан.
13.50 ТВ - анонс.
13.55 «Аёл зоти».

Телесериал.
14.35 Кишлоқдаги
тенгдошим.
14.55 «Экспедиция». Кўп
қисмли хужжатли
сериал.
15.45 Ёшлар ва ҳуқуқ.
16.05 «Тузоқ». Бадий
фильм.
17.30 Кўрсатувлар
дастури.
17.35 «Янги авлод»
студияси: Бўш ўтирма.
17.55 ТВ - анонс.
18.00 Саломатлик
сирлари.
18.20 Бизнес - акаде-
мия.
18.35 Ниқоб.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»-репортаж.
19.45 «Қаҳқаҳа» театр -
студияси намойиш
этади.
20.25, 21.10, 22.35
Эълонлар.
20.30 «Аёл зоти».
Телесериал.
21.15 Оханрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги
тароналар.

22.55 «Ёшлар» телекана-
лида премьера
«Ажнабий». Бадий
фильм 1-қисм.
0.20-0.25 Хайрли тун.
«Тошкент»
телеканал
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географи-
яси».
18.10, 20.40 «Экспресс»
телегазетаси.
18.15 «Афиша».
18.35 «Ўзбектеlevision»
студияси намойиш
этади: «Қандай гўзал
бу дунё».
18.55 «Мисли гавҳар».
19.10 ТТВда сериал
«Қайсар ва доворак-
лар».
19.30 «Табриклиймиз-
кутлаймиз».
20.00 «Хусусийлашти-
риш: қадам-бақадам».
20.20 «Озод ва обод
юрт».
20.45 «Нима учун?»
21.15 Кинонигоҳ.
«Мижоз».
23.05.23.10 Хайрли тун,
шаҳрим!

«Халқаро»
телеканал
9.05 Кўрсатувлар
тартиби.
9.10 «Лаззат».
9.30 Е. Петросяннинг
«Кулгу панорамаси».
10.10 «Мультисеанс».
10.30 «Ишбилармон
кишилар».
10.50 Болалар соати:
«Аманда». Бадий
фильм.
12.20 «Кўнги кўнгила
пайванд».
12.50 «Экран зийнати
ва қиймати».
13.20 - 14.20 Дўстлик
видеоканал: «Бағри
кенг Ўзбекистон».
«Умид», «Немис
шарҳи».
16.00 Кўрсатувлар
тартиби.
16.05 «Мультисеанс».
16.35 «Билишни истай-
ман».
16.50 «Мингйиллик
гумбази».
17.15 «Аралаш».
17.30 «Кувнаб яшанг».
Кинокомедия.
18.55 «Ким миллионер
бўлишни истайди?»
Телеўйин.

20.00 «Время».
20.30 «Қийшак кўзгу».
Е. Петросян таклиф
этади.
22.50 «Кинопрофи».
23.10 «Соғинч».
23.30 «Ахборот».
00.05 Кинематограф.
«Гувоҳ». Бадий
фильм.
1.50 «Тунингиз осуда
бўлсин».
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.40, 20.45
«Телехамкор». 9.30 «Ден-
нис-шумтака». Мультсе-
риал. 10.00 Болалар ўқун
фильм. 11.30 «Маърифий
дастур». 12.00 Оилавий
кино. «Чаққонлар ва
ғазабланганлар». 13.40
Хужжатли сериал. 14.30
Ҳинд киноси. 17.00 Теле-
ўйин. 18.10 «30-канал» ки-
нооқшоми: «Алдамчи
нихон». 19.45 «Ошиқона».
Мусикий дастур. 20.00
«Асли ҳаётдагидек». Се-
риал. 20.30 «Клип-совга».
Телетабриқнома. 21.05
«Провинциаллар». Сери-
ал. 22.00 «30-канал»да ки-
нооқшом. «Эквалибри-
ум». 23.45 Мусикий дас-
тур.

Yakshanba
«Ўзбекистон»
телеканал
6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар ўқун
кинодастур.
9.20 «Қўҳна замин
оҳанглари».
9.40 «Ўзбектеlevision»
намойиши: «Мошта-
би».
10.00 «Ватанимга
хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20, 15.55 ТВ
анонс.
11.25 «Бу турфа
олам».
12.15 ТВ 1 кинотеатри:
«Тати Даниэл».
Бадий фильм.
14.00 «Гап чиқди».
Телешоу.
14.45 «Оливер ва
унинг дўстлари».
Мультфильм.
16.00 «Интеллектуал
ринг». Телеўйин.
16.40 «Санъатга

бахшида умр».
17.00 «Портретга
чизилар».
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
17.20 1. «Олтин тож».
Телевизион ўйин.
2. «Улғайиш погонала-
ри».
3. «Покахонтас».
Мультсериал.
18.45 «Қалб гавҳари».
19.05 Эстрада тарона-
лари.
19.25, 20.00, 20.25,
21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус
тилида)
20.05 «Кўрсатувдан -
кўрсатувгача».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Яшйлик».
21.45 «Қорақалпоқ
наволари». Қорақалпоқ-
нистон санъат устала-
ри ва ёш ижрочилар
концерти.
«Якшанба кинозали»:
22.30 «КиноТеатр».
22.50 «Ўзбекистон»
телеканалда илк

маротаба.
«Амадей». Бадий
фильм. 2-қисм.
00.05-00.10 Ватан
тимсоллари.
«Ёшлар»
телеканал
6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион - дам
олиш дастури.
9.00 «Янги авлод»
студияси: Бўш ўтирма.
9.20 Қувноқ шартлар.
9.50 «Давр» - репортаж.
10.00 Оханрабо.
10.40 ТВ - анонс.
10.45 «Қилни қирқ
ёриб» интеллектуал
ўйини.
11.35 «Антика томоша».
Хужжатли фильм 8-
қисм.
12.00 «Ниҳол» мукофоти
совриндорлари
куйлайди.
12.15 ФИФА (футбол
ичида, футбол атрофи-
да)
12.55 «Ёшлар» телекана-
лида ҳарбий-ватанпар-
варлик дастури:
1. Марди майдон, 2.
Аскар мактублари.
13.35 «Антика томоша».

Хужжатли фильм 9-
қисм.
14.00 Чемпион сирлари.
14.20 «Аёл зоти».
Телесериал.
15.00 ТВ - анонс.
15.05 Азизим.
15.30 «Экспедиция». Кўп
қисмли хужжатли
сериал.
16.20 Лабиринт.
16.45 Олтин мерос.
16.55 Ёшлар камоли -
юрт камоли.
17.15 Кўрсатувлар
дастури.
17.20 «Янги авлод»
студияси: Катта
танаффус.
17.45 ТВ - анонс.
17.50 Барҳаёт анъана-
лар.
18.30 Спорт ҳафтанома-
си.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.50 Иқлим.
19.00 «Давр»-pews.
19.20 ТВ - анонс.
19.25 Ҳандалак плюс.
19.30 Собир Мўминов
куйлайди.
19.50, 20.35, 22.30
Эълонлар.
19.55 «Аёл зоти».
Телесериал.
20.40 Ватан ҳақида
кўшиқлар.

20.50 «Заковат» интел-
лектуал ўйини.
21.40 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта
ичида.
22.35 ТВ - анонс ва
тунги тароналар.
22.50 «Ажнабий».
Бадий фильм 2-қисм.
0.15 - 0.20 Хайрли тун.
«Тошкент»
телеканал
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 «Эртақларнинг
сехри олами».
19.00, 20.55 «Экспресс»
телегазетаси.
19.05 «Жаҳон географи-
яси».
19.35 «Табриклиймиз-
кутлаймиз».
20.05 «TV плюс».
20.35 ТТВда сериал.
«Қайсар ва доворак-
лар».
21.00 «Нима учун?»
гурӯҳи тақдим этади:
«Шунақа гаплар».
Ҳажвий кўрсатув.
21.15 «Озод ва обод
юрт».
21.35 Кинонигоҳ.
«Эҳтиёт бўлинг йўлда
пул».
23.15-23.20 Хайрли тун,
шаҳрим.

«Халқаро»
телеканал
9.05 Кўрсатувлар
тартиби.
9.10 Д. Криловнинг
«Йўлда ёзилмаган
қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалиги-
да».
10.05 «Мультисеанс».
10.25 «Фан-тайм».
10.35 «Кайфият».
Информацион-дам
олиш дастури.
12.05 «Лаззат сехри».
12.35 «FCN». Ўзбекистон
янгиликлари (инглиз
тилида)
12.45 «Хусусийлашти-
риш: қадам-бақадам».
13.05 «Ошхонада
инглизча гаплашамиз».
13.15 «Дорихона
эшигади».
14.00 «Парле ву
франсе?»
14.25-14.45 Дўстлик
видеоканал: «Дидар».
«Ватан сурури».
«Ўзбекистон умумий
уйимиз», «Корейс
тилини ўрганамиз».
16.00 Кўрсатувлар
тартиби.
16.05 «Кулгу қироллари
Ю. Никулин».
17.05 А. Пугачева, М.
Боярский, Л. Долина
катта концерт дастури-
да.

20.00 «Т. Полонская
билан бирга».
20.25 «Тубсизлик».
Бадий фильм.
22.50 Бокс. Джо
Кальзаге - Байрон
Митчелл.
23.05 «Тенгдошлар».
23.35 «Таҳлилнома».
00.15 «Тунингиз осуда
бўлсин».
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 11.30, 17.40,
20.45 «Телехамкор». 9.30
«Деннис-шумтака».
Мультсериал. 10.00 Бола-
лар ўқун фильм. 12.00
Оилавий кино. «Эквалиб-
риум». 13.40 «Хужжатли
сериал». 14.30 Кундузги
кинозал: «Синган
нур». 16.10 Дам олиш
дастури. 16.40 Мусикий
дастур. 17.00 Теле-
ўйин. 18.10 «30-канал»
кинооқшоми: «Формула-
51». 19.45 «Ошиқона».
Мусикий дастур. 20.00
«Асли ҳаётдагидек». Се-
риал. 21.00 «Провинци-
аллар». Сериал. 22.00
«30-канал»да яқшанба
кинооқшоми. «Оли-
гарх». 24.00 Спорт шарҳи.

Текширув ва самара

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши тасдиқлаган режага асосан Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси томонидан «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясига қарашли корхона ва ташкилотларда 2000-2002 йиллар мобайнида солиқ ва мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида давлат бюджетига ўтказилиши бўйича қатор текширувлар уюштирилди.

КАСАЛИНИ ЯШИРСАНГ...

Солиқ ва мажбурий тўловларнинг нотўғри ҳисобланиши охир-оқибатда панд бериши ҳақида

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси вилоятимиз худудида 43 та корхонага эга. Улар асосан энергетика иншоотлари, уларни қуриш ва таъмирлаш билан шуғулланувчи корхоналардир. Бу йирик ишлаб чиқариш қувватларининг барқарор ишлаши мамлакат иқтисодий ва молиявий салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутди. Шу сабаб бу корхоналарда солиқ ва мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ҳамда ўз вақтида давлат бюджетига ўтказилиши муайян аҳамиятга эга. Лекин, афсуски, айтиш мумкин бўлган каттақамда амалдорлар ҳам «жаёлфаромушлик»ка йўл қўймоқдалар. Акс ҳолда сўнги текширув натижаларига кўра, бу ишда бир қатор қусурлар аниқланиб, жами 6 миллиард 932 миллион 340,4 минг сўм солиқ ва молиявий жарималар давлат бюджетига қўшимча ҳисобланганини қандай баҳолаш мумкин? Шундан фойда солиғи бўйича 2306193,7 минг сўм, қўшилган қиймат солиғи бўйича 2761705,8 минг сўм, бошқа солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича эса 370365,5 минг сўм қўшимча ҳисобланди. Қўшимча ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловларга нисбатан жами 1 миллиард 494 миллион 75,4 минг сўм молиявий жарималар белгиланди.

Хўш, солиқларни аввал бошдан тўғри ҳисоблаб, бюджетга тўла ҳисобда ўтказилса бўлмасми? Бўларди. Лекин, бунинг учун ҳалол бўлиш, ҳисоб-китобни тўғри олиб бориш зарур. Қонунлар, солиқ бўйича бошқа қонунчилик ҳужжатларининг талабларини пухта ўзлаштириб олиш ва уларга оғишмай амал қилиш лозим бўлади.

Ўтказилган текширувлар жараёнида корхоналарнинг 2003 йил 1 март ҳолатига жами дебитор қарзлари 66 миллиард 48 миллион 361,9 минг сўмни, шундан тўлов муддати 90 кундан ошгани 11 миллиард 945 миллион 278,6 минг сўмни ташкил этди. Текширув пайтида олдиндан 15 фоизли тўловни амалга оширмасдан туриб, жами 62 миллиард 616 миллион 720,4 минг сўмлик маҳсулотлар ортиб жўнатилганлиги, 523 миллион 963,9 минг сўмлик айирбошлаш операциялари амалга оширилгани, тушуми кассага кира қилиниб, банкка топширилмасдан, 570,7 минг сўм нақд пул мақсадсиз ишлатиб юборилганлиги аниқланди.

Текшириш жараёнида яна бошқа жиддий камчиликлар ҳам қалқиб чиқди. Шуниси таажубланарлики, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг вилоятимизга жойлашган баъзи корхо-

налари иккиламчи ҳисоб рақамларини очиб, бюджетга тўланиши лозим бўлган маблағларни вақтида ўтказишдан бўйин товлаб, хусусий тадбиркорлардан қиммат нархларда эски, ишлатилган маҳсулотларни сотиб олиб, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар нархини асоссиз ошириб, бошқа молиявий тартиб бузилиш ҳолатларини содир этиб, фирибгарлик билан ҳам шуғулланганлар.

Жумладан, Ангрен «Кўмирқурилиш» бошқармасидан давлат бюджетига жами 661,4 минг сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланди. Корхонада ўтказилган текширувда маълум бўлишича, фуқаро Х. Гальчевский-

дан 143 миллион 221,3 минг сўмлик эски рельс ва унга бутловчи қисмлар юқори нархларда сотиб олинган. Х. Гальчевский билан «Кўмирқурилиш» ўртасида тузилган далолатномаларда бир-бирига имтиёз яратиб бериш ҳолатлари учрайди. Бу уддабурро тадбиркор ўзининг дебиторлик қарзини Уртачирчиқ туманида жойлашган «ТУАСБ» масъулияти чекланган жамият ихтиёрига берган. Савдо билан шуғулланувчи бу жамият турли баҳоналар билан фаолият кўрсатмадим, деб ҳисоботлар топширган. Шу йўл билан бюджет тўловларини четлаб ўтган.

«Кўмирқурилиш» ўтган йил 25 декабрда «Оҳангаронцемент» корхонасида дебитор қарз тарихида 983,8 минг сўм маблағга эга эди. Шунга қарамайдан, олдиндан тўлов ҳисобидан яна 20 миллион сўм ўтказилган. Лекин, айтиш мумкин бўлган «Кўмирқурилиш» корхонасининг бюджет олдидаги қарзлари 132 миллион 137,0 минг сўмни ташкил этарди. Корхона раҳбарияти бу тўловни амалга ошириш ўрнига бошқа «саъй-ҳаракатлар» билан овора бўлишган.

Корхонанинг бюджет олдидаги қарзлари ортиб бориб, бир йилда фақат қўшимча қиймат солиғи бўйича 248 миллион сўмга етиб борди. Шу муддатда даро-

мад солиғи бўйича қарздорлик деярли икки баробарга ортиб, 82 миллион сўмга яқинлашиб қолди. Бюджет билан ҳисоб-китобда шунча қарздорлик мавжуд бўлгани ҳолда «Кўмирқурилиш»нинг валломат раҳбарлари маблағларни махсус ҳисоб рақамлари орқали бошқа манфаатлар йўлида айлантириб, солиқларни вақтида тўламай келишган.

Ангрендаги «Ўзэнергоқозонтозалаш» очик акциядорлик жамиятида ўтказилган текширишлар бу ерда ҳам баъзи фирибгарлик ҳолатлари содир этилганлигини кўрсатди. Чунончи, солиқларни ҳисоблаб чиқишда чалқашликлар, тўлов муддатини ўтказиб юбориш фактларига йўл қўйилган. Шунинг оқибатида бюджетга жами 51 миллион 573,9 минг сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланди. Корхона 957,3 минг сўмлик микдорида маҳсулот айирбошлаш операцияларини амалга оширган. Олдиндан 15 фоизлик тўловсиз турли ташкилотларга 957,3 минг сўмлик хизмат кўрсатилган. Бундан ташқари, бажарилган ишлар нархи ўринсиз оширилаётганлиги, бир хил ишлар учун «Янгиангрен ГРЭС» ва «Ангрен ГРЭС» учун баҳолар ҳар хил қўйилаётганлиги маълум бўлди. Айтиш мумкин бўлган турли амалга оширилган. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси буйруғига ва ишлаб чиқилган услубий қўлланмага асосан бажарилган ишлар бўйича ҳақ вақтбай ҳисобланиш ўрнига ишбай усулида ҳисобланмоқда. Шунинг натижасида фаолият қиймати харажатлари «Янгиангрен ГРЭС»да 8 миллион 493,5, «Ангрен ГРЭС»да 5 миллион 628,8 минг сўмга ортиб кетган. Жами 14 миллион 122 минг сўмлик иш микдори сунъий равишда ошириб кўрсатилган. «Ангрен ГРЭС» корхонасида ўтказилган текшириш натижасида бюджет фойдасига жами 401 миллион 91 минг сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланди.

Текширишлар натижасида аниқланган хато ва камчиликлар юзасидан белгиланган тартибда чоралар кўрилди.

Ёқубжон АЪЗАМОВ,
Тошкент вилояти Давлат
солиқ бошқармасининг
бўлим бошлиғи.
Жўрабек МУРОДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

ТАРАҚҚИЁТГА РАСМИЙ ЁРДАМ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида "Тараққиётга расмий ёрдам" (ODA) дастури доирасида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, Япония элчихонаси, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) вакиллари иштирок этди.

Семинарда таълим, соғлиқни сақлаш, энергетика, транспорт, телекоммуникация инфратузилмасини ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш, агроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалигига янги технологияни жорий этиш ва маданий ёдгорликларни асраш бўйича молиявий ҳамда техникавий ҳамкорлик лойиҳаларини амалга татбиқ этишга оид масалалар муҳокама этилди.

ODA дастури Япония ташқи иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, ривожланаётган ҳамда ўтиш давридаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига ёрдам кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Мазкур дастурнинг молиявий кўмаги билан Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарлари аэропортлари қайта таъмирланган эди. Шунингдек, ODA кўмагида мамлакатимиздаги телекоммуникация тармоқлари ва саннат корхоналари замонавийлаштирилиб, Шўртан газ-кимё мажмуи ва Кўқдумалоқ газ компрессорлаш станцияси қуриб ишга туширилган.

Ҳозир мазкур дастур доирасидаги янги лойиҳаларга биноран ажратилган имтиёзли кредитлар ёрдамида республикамиз коллежалари замонавий ускуналар билан жиҳозланаётган. Мамлакатимиз вакиллари Японияда ўқиб, малака оширмоқда.

(ЎЗА).

Sport

Sport

Sport

ВАКИЛЛАРИМИЗ ОЛДИНГИ САФДА

Аввал хабар берганимиздек, Таиландда бокс бўйича катталар ўртасида Жаҳон чемпионати бошланган эди. Ушбу чемпионатни орзиқиб кутган спортчиларимиз роппа-роса бир йил давомида жиддий тайёргарлик кўришди. Мусобақага жами 60 та давлатдан ташриф буюрган кўпжа спортчилар II вазн тоифасида баҳс олиб боришмоқда. Ўзбекистон шарафини II нафар вакилимиз муносиб равишда ҳимоя қилишга киришиб кетишди.

Улар биринчи кунданок шиддатли баҳслар олиб боришга улгуришди. Вилоятимиз вакили Икром Бердиев 81 килограмм вазн тоифасида алжирлик рақиб билан учрашди. Бу сафар қаҳрамонимиздан омад юз ўгирдим, ўйинни бой бериб қўйди. Баҳодир Султонов ва Ўткирбек Хайдаровлар эса биринчи учрашувдаёқ ўз рақибларига панд беришди. Отабек Мамажонов 48 килограммлик боксчилар ўртасида маглубиятга учради.

Чемпионатнинг иккинчи кунни вакилларимиз учун омадли келди. Вилоятимиз вакили Бахит Сарекбоевнинг маглубиятини ҳисобга олмаганда, Тўлашбой Дониёров (51 кг), Беҳзод Хидиров (57 кг), Ўткирбек



Хайдаров (75 кг) ҳамда вилоятимиз вакили Рустам Саидов (+91 кг)лар ғалаба қозонишди. Учинчи кунда полвонларимизнинг кўпчилиги юртимиз шарафини муносиб равишда ҳимоя қилишди. Кейинги кун пойтахтлик Беҳзод Хидиров германиялик тенгдоши билан қизиқарли жанг олиб борди. Лекин, ўйин германиялик боксчининг устунлиги остида якунланди. Дилшод Маҳмудов, Шерзод Хусанов ва Ўткирбек Хайдаровлар ўз вазн тоифаларида ғалабага эришишди.

Бугун чемпионатнинг финал учрашувлари бўлиб ўтди.

Хурида НАЗАРОВА.

БОЙҚЎРҒОН – ЯНГИ СПОРТ ТУРИ

Бугунги кунда кураш халқаро спорт турига айлангани, кўпқари миллий спорт сифатида мамлакатимизнинг барча вилоятларида ривожланаётганини мисол келтириш мумкин. Энди шулар қаторига яна бир миллий спорт тури – бойқўрғон қўшилди.

Тошкентда бойқўрғон бўйича биринчи турнир бўлди. Унда ўттизга яқин спортчи қатнашди. Катталар ўртасида Г.Бердиев, Д.Бердиев, 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида М.Чориев ҳамда З.Чориева янги спорт тури бўйича илк чемпионларга айланди.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида спорт мутасаддилари, ўйин муаллифи ва қатнашчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида йиғилиш бўлди.

Ўйин муаллифи Дайнов Бердиевнинг ЎЗА мухбирига билдиришича, бу ўйин IX асрда ҳозирги Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидаги Бойқўрғон қишлоғида вужудга келган. Д.Бердиев қирқ йил давомида бойқўрғонни ўйин сифатида мукамал шаклга келтириш учун анча изланди. Натижада, 2002 йил 21 ноябрь кунини Ўзбекистон миллий ўйинлари сирасига киритилди.

Бойқўрғон шохмотга жуда ўхшайди. Унда икки рақиб ўн тўрттадан яшил ва сариқ тошларда ўйнайди. Мақсад – рақиб қўрғонини қамал қилиш.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

XVII asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
songi
xabarlar

ГРУЗИЯДА САЙЛОВ ТАРАДДУДИ

Жорий йилнинг ноябрь ойида Грузияда парламент сайловлари бўлиб ўтади. Аммо, сиёсатчилар ўртасида мазкур сайловларни қандай ўтказиш лозимлиги тўғрисида тортишувлар авжига чиқмоқда. Мухолифатчилар ўз тамойилларини, Тбилиси эса ўз йўналишларини олға сурмоқдалар. Бахслар шу даражага етдики, Вашингтоннинг ёрдами керак бўлиб қолди. Парламент сайловларини ўтказиш тажрибасидан бохабар қилиш учун АҚШнинг собиқ давлат котиби Жеймс Бейкер бу ерга келди. АҚШ Президенти илтимосига кўра, у Грузияга парламент сайловлари ўтказиш бўйича америкача нусха тарҳини келтирди. У ўн моддадан иборат. Хусусан, Грузия парламентига 2 августга янги сайлов Кодексини тасдиқлаш тавсия этилади. 1 августга эса барча сиёсий партиялар Марказий сайлов комиссиясининг Низомини тасдиқлашлари лозим. Ж. Бейкер фикрига кўра Марказий сайлов комиссияси 15 кишидан иборат бўлиши керак. Улардан 5 нафарини ҳукумат, 9 нафарини мухолифатчи партиялар кўрсатади.

Вашингтон вакилининг гапларига қараганда, овозлар бетараф кузатувчилар томонидан ҳисобга олиниши керак. Овоз бериш пайтида ҳар қандай тазйиқлар ман этилиши шарт.

РЕАКТОРЛАР ТАЪМИРГА МУҲТОЖ

Япониянинг жанубий Фокуи вилоятидаги «Фуҗэн» ядровий реакторида рўй берган портлаш одамларни саросимага солиб қўйди. Гарчанд реактор тажрибавий бўлса ҳам уни ҳаракатга келтирадиган уран ва плутоний унсурлари ноҳуш ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин деб ҳисобланди.

Ҳозирча текширишлар ижобий ҳолатларни кўрсатмоқда. Портлаш бўлган жойда қурбонлар йўқ. Радиация буғланишлари ҳам кузатилмаяпти. Кам радиацияли ёқилғи қолдиқларини ёқиш пайтида ёнғин чиқди. Ёнғин ўчирилди. Лекин, радиация жадвалини кўрсатувчи асбоб-ускуналар эндиликда қандай фаолият кўрсатар экан. Бу ердаги реакторлар таъмирга муҳтож. Бундан буён уларни қисмларга ажратишга тўғри келади. Бунинг учун камида 40 йил сарфланади.

УНИТИЛГАН ОСОЙИШТАЛИК

Мексика пойтахтида анчадан буён деярли осойишталик барқарорлиги таъминланмаётир. Пойтахтдан 50 километр чамаси узоқликда бўлган Сан-Сальвадор Атенко кўргони фуқаролари ҳафта бошида ўтказилган парламент сайловларида қатнашишдан бош тортидилар. Улар ёнаётган автоулов шиналаридан баррикадалар ясаб, ҳукумат маъмурларига норозилик билдирдилар. Шу тариқа улар мамлакатдаги барча партиялар фаолиятдан қониқмаётганликларини баралла айтдилар. Ҳалаён қатнашчилари қишлоқ кишиларига алоҳида эътибор берилишини талаб қилдилар.

РОБОТ БИЛАН ЖАНГ

Маълумки, японияликлар янги технологиялар яратиш бўйича устаси фаранг. Яқинда Хоккайдо шаҳридаги тижорат фирмаларининг бирида «нотаниш ходим» пайдо бўлди. Бўйи 2 метрдан узун, одамсифат бу роботнинг оти Жо эди. У чангюткични ишлатар, сантехника жиҳозларини ювар, ойналарни артар, гулларни суғорар ва бошқа ишларни қўйилмақом қиларди. У ўн бир ходимнинг ўрнини босарди. Фирма раҳбарияти бундан хурсанд эди.

Лекин, бир ҳафтадан сўнг Жо, аввало, енгил вижиллай бошлади, кейин турли қилиқлар чиқарди. У девордан-деворга югурар, одамларни итариб юборар, мебелларни қийратганча, қўллари билан хавфли ҳаракатлар қиларди. Шов-шув авжига чиққач, хонага кўриқчи Отару Сигемицу чопиб кирди ва тўппончаси билан Жонинг пешонасини дабдала қилди. Балкон эшигига зарб билан урилгач, у учинчи қаваддан ерга отилиб кетди, деб хабар берди «Жапан Таймс» рўзномаси.

КОРСИКАДА ҚЎЛГА ОЛИНДИ

«Никола, сенга қойилман. Қандай қилиб ташақкур билдиришимни билмай турибман!» — Уяли телефон гўшагида Франция ички ишлар вазири Никола Саркози Елисей саройининг раҳбари Жан Жак Ширак овозини эшитиб, қувониб кетди. Чунки, давлат бошлиғи учун Корсикада Иван Колонна деб аталмиш сиёсий мухолифатчининг қўлга олинганлиги айни муддао бўлди. Рақибнинг махфийси ёмон, деган нақл бор халқ ўртасида. Зеро, 42 яшар И. Колонна Франциядаги энг хавфли жиноятчилардан бири ҳисобланар эди. Мана тўрт йилдирки, уни полициячилар, махсус хизмат ходимлари, ҳатто контрразведкачилар ҳам излашмоқда эдилар. Гап шундаки, И. Колонна Корсикадаги махфий ҳаракатнинг фаол аъзоси эди. 1998 йил 8 февралда эса унинг ўзи ва тарафдорлари томонидан оролдаги марказий маъмурият бошлиғи Клод Эриньяк ўлдирилган эди. Шундан сўнг ички ишлар вазири «BAID» гуруҳи террорчилари билан курашишга махсус тайёргарликдан ўтган ходимларни жалб қилган эди. Уларнинг саъй-ҳаракати яхши самара берди.

14 июль – Франция миллий байрами
– Бастилия ишғол қилинган кун

ОЗОДЛИК БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Пурвиқор Париж, Лувр музейи, Сулҳ майдони, гўзал Елисей касри, XIX аср мўъжизаси Эйфель минораси... Булар ҳақида гап кетганда, кўз ўнгимизда Франция гавдаланиши табиий. Қадим-қадимдан ўзининг бетакрор маданиятию осори атиқаси билан ўзгача улугворлик касб этиб келган бу кўҳна ва жозибадор юрт жуда кўп тарихий жараёнларни бошдан кечирган.

Ҳозирги Франция ҳудуди дастлаб Галлия деб аталган. IX-X асрларда у мустақил давлатга айланиб, Франция номини олди. 1337-1453 йиллари бўлиб ўтган уруш француз ерларининг бирлашиб, миллатнинг тўла шаклланишига замин ҳозирлади. XVI асрнинг иккинчи ярмига келиб, мамлакатда мутлақ монархия мустаҳкам томир отиб улгурган эди.

1789 йил 14 июлда бўлиб ўтган Бастилия кўзғолони Франция сиёсий ҳаётида туб бурилиш ясади. Франция республика сифатида эълон қилиниб, қирол Людовик XVI Бош штатларни Таъсис мажлисига айлантиришга мажбур бўлди. Ўшандан буён Бастилия ишғол этилган кун - 14 июлни француз халқи мамлакат миллий мустақиллик кўни, озодлик, эркинлик, тенглик ва биродарлик байрами сифатида кенг нишонлаб келади.

Бош штатлар 1302 йил қирол Филипп IV томонидан таъсис этилгач, мамлакат парламентаризми мана шу идорадан бошланган. Қадимги Рим сенатини ҳисобга олмаганда, у Европадаги илк парламент бўлган.

1789 йил 26 августда «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари деклараци-

яси» эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда одамларнинг ўз ҳуқуқларига кўра озод ва тенг ҳолда туғилиши ва умрбод шундайлигича қолиши белгилаб қўйилган.

1791 йил 3 сентябрда Францияда биринчи конституция қабул қилинди. Шундан сўнг Франция тарихи Иккинчи жаҳон урушига қадар фавқулодда қизик воқеаларга бой бўлди. Мамлакатда бир неча бор монархия тикланиб, бир неча бор республика эълон қилинди.

Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик алоқалар расман 1992 йил 21 февралда ўрнатилган бўлса-да, халқларимиз орасидаги борди-келди узоқ ўтмишга бориб тақалади. Соҳибқирон Амир Темур ва Франция қироли Карл Vнинг тарихий ёзишмалари бу фикрнинг яққол далилидир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ривожини учун кенг йўл очилди. Ўтган давр мобайнида Президент Ислам Каримовнинг Францияга, Франция раҳбарларининг юртимизга ташрифлари самараси ўлароқ ўзаро алоқалар юқори поғонага кўтарилди.

Франциянинг етакчи сиёсатчи ва иқтисодчилари мамлакатимиздаги ўзгаришларни диққат билан кузатиб бормоқда. Бу табиий. Марказий Осиёнинг марказида жойлашган, минтақавий хавфсизлик гарови, иқтисодий жиҳатдан улкан салоҳият соҳиб сифатида эътироф этилаётган Ўзбекистонга Фарбда, жумладан, Францияда эътибор катта.

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги иқтисодий алоқаларга ҳам кенг йўл очиб берилган. Айни вақтда юртимизда «Креди Коммерсиал де Франс» ва «Сосьете Женерал» сингари нуфузли банкларнинг ваколатхоналари ишлаб турибди. Бундан ташқари, кўплаб қўшма корхоналар фаолият юритмоқда.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



Испаниянинг тарихий обидалари...

ПУЛГА ИШҚИБОЗ БЎЛИБ

Польшанинг порт шаҳри Щецинда «Офтоб тош» деган фирма пайдо бўлди. Уни Доюсута Ливинская ва Лешик Краевски деган кимсалар бунёд этдилар. Бу ерга ташриф буюрган сайёҳлар қахрабо ва жиндай қатрон-елимдан ўтмиш замоналарни эслатадиган нодиротларни жон-жон деб харид қила бошладилар. Тадбиркорлар турли рангдаги қатрон-елим ва «қахрабо»га аслида ҳозирги ҳашаротлар — кўнгизлар, чигирткалар, бургалар, суваракларни шундай жойлаштирдиларки, уларнинг қадимий эмаслигига ҳеч ким гумон қилмасди. Маҳсулотлар кўтарасига сотиларди. Айниқса, АҚШ тижорат флотининг сузувчилари уларни ўта кўп миқдорда олардилар. Фирибгар фирма ходимларини қайсар бир немис фаш қилди, деб ёзди «Жиче Варшава» газетаси. Энди жиноятчилар суд олдида жавоб берадилар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

19 ЙИЛ БЕҲУШЛИҚДАН СЎНГ

АҚШда тиббиёт амалиётида жуда кам учрайдиган ҳодиса юз берди. Арканзас штатидаги Маунтэн-Вью шаҳри реабилитация марказида узоқ йиллар давомида беҳуш ҳолатда ётган бемор ўзига келди. 39 ёшли Терри Уэллис бундан 19 йил муқаддам автомобиль ҳалокатига учраб, ҳозиргача ҳушсиз ҳолатда ётган эди.

Тиббиёт маркази директори Алеша Бедглининг хабар қилишича, Уэллининг бир неча тушунарсиз иборасидан сўнг илк каломи «она» бўлди. Мазкур сўзни у жуда аниқ-тиниқ айтган. Шундан сўнг у «пепси» ва «сут» сўзларини талаффуз қилган.

Бироқ Терри Уэллис 19 йил давомида нималар ўзгарганини тасаввур ҳам эта олмади. Унинг айтишича, АҚШнинг президенти Рональд Рейган экан. Тиббий марказ директори беморнинг бундан икки ҳафта бурун беҳушлик ҳолатидан чиқа бошлаганини таъкидлаб, ҳозир у ўзи хоҳлаган сўзларни гапирётганини маълум қилди. Уэллининг ҳушига келиш жараёнида унинг онаси, хотини ва қизи ёнида бўлган. Ҳалокатдан сўнг туғилган қизи ҳозир 19 ёшга кирган.

КИТОБСЕВАРЛАР ТАНЛОВИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августда қабул қилган "Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида миллий ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини тарғиб ва ташвиқ этишни кучайтириш кўзда тутилган эди.

Маданият ишлари вазирлигидан маълум қилишларича, айни кунларда жойларда "Энг яхши оилавий китобхон" республика танлови қизгин давом этапти. Республика "Маънавият ва маърифат" кенгашига аъзо муассаса ва ташкилотлар томонидан ташкил этилган мазкур танловнинг якуний босқичи шу йил июль ойи охирида пойтахтимизда ўтказилади. Голибларни қимматбаҳо сова ва мукофотлар кутмоқда.



(ЎЗА).

«ШАРҚ МАРК ТВЕНИ» ГРЕЦИЯДА

Атоқли ўзбек шоири, академик Фафур Фуломнинг "Шум бола" асари грек тилига таржима қилинди. Шу муносабат билан Афинадаги "ЭМ-КАТ" ташкилотидан янги китобнинг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Афинадаги бош консулхонаси хайрихоҳлигида ва "Афинада Фафур Фулом ҳафталиги" доирасида ташкил этилган бу маросим забардаст сўз санъаткорининг 100 йиллик таваллуд тўйига бағишланди.

Греklar учун Фафур Фулом ижоди янги топилма эмас. Тарихшунос Димитрис Янгос таржимасидаги "Шум бола" асари эса атоқли адабимизнинг грек тилидаги илк китоби, Фафур Фулом ижодидан бошқа тиллар орқали хабардор греklar учун ажойиб сова сифатида эътироф этилиши ўринли бўлади.

Адабиёт учун жуда камёб саналган ҳам наср, ҳам назмда бирдек ижод қила олиш маҳоратини эгаллаган Фафур Фулом бор соддалигини ҳаммамиз учун сеvimли "Шум бола" асарида намоён этди. Бугун нафақат адабиётимиз, балки драматургия ва кино йўналишида ҳам мукамал талкин этилган ва ўз ўқувчилари олқишига сазовор бўлган "Шум бола"нинг муқаддам ҳам дунёнинг кўп тилларида таржима қилинган хабардоримиз. Хориж адабиётшуносларининг Фафур Фуломга "Шарқ Марк Твени" деб нисбат берганликларига ҳам айнан шу саргузашт қисса сабаб бўлгани табиий.

Аваз БЕРДИҚУЛОВ,
"Жаҳон" АА.

Bolalik bog'i

Anhorning o'sha-o'sha sokin oqishi. Ammo, burlifshga kelganda, jo'shib, qirg'oqqa shaloplast uriladi. Unda kunduzi quyoshning qizg'ish, kechasi o'yning kumush nurlari ming bor chayqalib, ming bor «uziladi».

JILG'A

— Qachongacha tinib-tinchimayman, — deydi bo'yradek joyda to'liqinlanarkan, — bulardan ajralib yashasam-chi?

U bir shirin halovat istab, qirg'oqning qulay yeriga o'zini urdi. Toshib, jilg'a bo'lib oqdi. Tinchgina, o'zicha oqishdan huzur qildimi, sekin chulduradi. Mayin qo'shiq aytib boshladi. Biroz vaqt o'tgach, shudgorlarga duch keldi. Kesaklarga urilib, boyagi halovati yo'qoldi.

— Qanday yo'lga kirib qoldim? O'sha anhor yaxshi ekan. Hoy, to'xtang, — deb chaqirdi. Ammo jilg'aning ovozi kesaklardan nari eshitilmadi. U qancha urinmasin, oldinga jilolmasdi. Axiri anhorini qo'msay-qo'msay, nidosi tinib qoldi.

G'ani ABDULLAEV.

Халқ табобати

ГУЛХАЙРИ

Ўрта Осиё халқ табобатида қон туфлаш, сил, бронхиал диққи нафасликда, йўтал ва кўкрак огриги маҳалларида илдиэлари, барглари ва гулларида тайёрланган қайнатмаси юмшатувчи дори тариқасида ишлатилади. Илдиэлари, барглари ва гулларида қилинган малҳам чипқон, хўппозларга, жароҳатларга қўйилади.

Ибн Сино ушбу ўтсимон ўсимлик уруғлари ва баргларида тайёрланган қайнатмаси балғам кўчирадиган дори тариқасида ишлатилган. Йўтал пайтида, без ўсмалари, қон туфлаш, ўпка яллиғланиши, қуймиш асаб яллиғланишида юмшатувчи дори тариқасида буюрган. Пешоб қийинлашиб ва қовуқда тошлар пайдо бўлганида, бу қайнатмадан пешоб ҳайдовчи дори сифатида ҳам фойдаланилган.

Дориларнинг балғам кўчирадиган, юмшатадиган ва яллиғланишга қарши таъсир кўрсатиши ҳозирги илму фанда аниқланган. Унинг таркибида шилимшиқ моддалар ўраб олувчи хоссага эга бўлиб, юқори нафас йўллари ва меъда-ичак йўлининг шомоллаш ҳолатларида яллиғланишга қарши ўраб олувчи, юмшатувчи ва балғам кўчирувчи дори тариқасида кенг қўлланилади.

МАРЖОН ОРОЛИДА БЕПУЛ ИНТЕРНЕТ

Тинч океани ҳавзасида жойлашган Ниуэ оролида атиги бир неча йил аввал тўрт донга телефон бор эди, холос. Ундан бутун орол аҳли фойдаланар эди. Шунга қарамай, ўтган ҳафтада мазкур митти мамлакатда дунёдаги энг мураккаб Интернет тизимларидан бири ўрнатилди.

Янги Зеландиядан бир ярим минг чақирим жануби-шарқда жойлашган оролни Маржон ороли деб ҳам аташади. Оролнинг майдони юз квадрат километр. Аҳолиси ҳам унча кўп эмас, атиги бир минг етти юз киши. Яқинда бу ерда дунёда биринчи марта Интернет тармоғига симсиз уланиш амалга оширилди. Энди



орол аҳолиси ва сайёҳлар портатив компьютер ҳамда антенна орқали худуднинг исталган бурчагидан дунё билан алоқага киришиши мумкин.

Оролга Интернет қўтилмаганда кириб келганини шундоққина сезиш мумкин. Кўча бўйлаб гуркираб ўсаётган пальма дарахтларига махсус антенналар бириктирилган. Ускуналар қўёш энергиясидан қувват олади. Антенналар шундай жойлаштирилганки, улардан оролнинг ҳар бир фуқароси бемалол фойдаланиши мумкин.

Ҳозирча америкалик журналист Вильям Семич ўтказётган Интернет тарғиботи ишлари муваффақиятли кечаётир. Оролда дунё ахборот тармоғига қизиқувчилар сони ортиб бормоқда.

Маржон ороли Интернетининг энг муҳим жиҳати шуки, у барча учун текин. Бошқа давлатларда Интернет фақат меҳмонхона, кутубхона ва айрим муассасалардагина бепул ҳисобланади.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,
ЎЗА шарҳловчиси.

Буни ҳаёт дейдилар

Яқинда таҳририятга бир ёш йигит келди. Иш баҳона уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирдик. У ўзининг ҳаёти ҳақида сўзлаб берди.

...Хуллас, Воҳид оилада бешинчи фарзанд эди. Аккалари оилалик, ўзидан тинчиб кетишган, аммо унинг ҳаёти аккалариникидек бир текис кечмади.

— Кўнғил курсин, — деди у гапининг бошида, — келиб-келиб шаҳарлик бойвачча қизга ишқим тушиб қолди.

Ота-онамининг қаршилигига қарамай шу қизга уйланаман деб хархашани авжига чиқардим. Улар норози бўлиш-

чиқиб, бироз қарашиб юборсин», — дедилар. Буни унга айтдим. У далага чиқиб борганда ҳаммининг таби тирриқ бўлди. Чунки, уст-бошида қишлоқликларга хос бўлмаган кийим эди. Яъни ичи кўриниб ётган оқ шим ва калта халатда эди. Отам бу ҳолни кўргандан кейин уни уйга қайтариб юбордилар.

Шундан кейин менга маломат тошлари ёғила бошлади. Онам бирёқдан «Сенга ўзимизнинг оилага мос қизлардан олиб бераман десам, кўнмадинг, ўзининг топганинг шу бўлди», — десалар, отам: «Э, сендака севдим-

ТЕНГ ТЕНГИ БИЛАН



ганича бор эди. Чунки, қиз қурмагур харҳолда шаҳарлик, қишлоқнинг шароитига кўникмаслиги эҳтимолдан ҳоли эмасди.

Анча гап-сўзлардан кейин тўй ҳам ўтди, ҳаётимиз бир маромда давом эта бошлади. Турмуш ўртоғим шаҳардаги машҳур фирмалардан бирида бош ҳисобчи бўлиб ишлар эди. Топиш-тутиши мендан яхши, қўлида пул уйнардди. Бу эса менинг гуруримни ерга ураётгандек туюларди.

Орадан бир йилча ўтгандан сўнг ишдан бўшабини талаб қилдим. Биринчи жанжалимиз шу бўлди. У ишдан бўшамаслигини, ҳар икки гапининг бирида топиш-тутишини гапирар, гўё оиламизни у боқайтганини миннат қиларди.

Бу гингир-гингирлар ота-онамининг ҳам қулоғига етиб борди. Улар ҳам келинлари ишдан бўшаши кераклигини айтишди. Ва: «Биз тўқ бўлсак — тўқсиз, оч бўлсак — оч», — дея бир қарорга келишди.

Хуллас, ишдан ҳам амаллаб, мингта гап-сўз билан бўшатиб олдик.

Энди, бекордан-бекор уйда ҳам ўтириши мумкин эмасди. Тўртта овсинлари қатори таморқадаги енгил ишларга қарашиб юришини айтдим. У рози бўлди.

Куз пайтлари эди. Даладаги ҳосилни йиғиштириш маҳали. Кўпчилик бўлиб ишга киришмасангиз, вақтни бой беришингиз мумкин. Шунда онам: «Хотининг ҳам далага

куйдим деганларнинг падарига лаънат», — дейишдан на-рига ўтмасдилар.

Шу алфозда икки йил вақт ўтиб кетди. Бу пайтгача қанча жанжал-тўполонлар, кирди-чиқдилар бўлиб ўтди. Ҳаммасига чидадим, аммо у чидай олмади.

Ўтган икки йил ичида фарзанд кўрмаганлигимиз унга баҳона бўлди. Кўнларнинг бирида шу баҳона кўч-кўронини йиғиштириди-да, кетиб қолди. Уйга қайтаришга қилган ҳаракатларимизнинг бари зое кетди. Ажрашамиз деб туриб олди.

Ажрашдик. Кейин эшитсам, илгари ишлаган жойига яна ишга кирибди. Таниш-билишларнинг айтишича, кўнадаги бузук аёлларга аралашиб қолибди. Ич-этим эзилди, аммо бефойда эди.

Ҳаётнинг ўзи мактаб дейишса, илгари нима учун бундай экан, дея ўйлаб юрардим.

Уйланишимдан аввал, ота-онам, ҳатто қайнота-қайнонам ҳам тўйга қарши бўлишган эди. Кейинчалик билсам, бу қаршлик замирида оилаларимиз ўртасидаги иқтисодий фарқ назарда тутилган экан.

«Тенг тенги билан, қўйлақлар энги билан» деган нақлнинг маъносини энди тушунапман.

Оқ қоғозга туширувчи
Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

УМР ЗОЕ КЕТМАСИН!

- Дада, сиз кичкиналингизда мактабга борганмисиз?
- Албатта, ўғлим. Бирор марта дарс қолдирмаганман.
- Кўряпсизми, ойи? Ҳақиқатдан ҳам мактабда умрни ўтказишдан бирор маъно йўқ.

МАОШ БЕРЯПТИ

- Кичкинтойга онаси деди:
- Ўғлим, идорага бориб бил-чи, дадангнинг маошини беряптимики?
- Бераяпти, - жавоб берди ўғли.
- Сен қаердан биласан?
- Дадам эрталаб, ўзи билан тузланган бодринг олиб кетган.



Мен бобомнинг шогирдиман.



Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 12 июль куни Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 19-24, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Тоғли худудларда ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 15-20, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТДА ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилнинг:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририят компьютер
марказида терияди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.